**Ушбу сонда:**
2 «Ишонч» бонг уради СИҲАТГОҲ НЕГА ЁПИЛДИ?
3 TV-ДАСТУРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 7 июн, шанба № 88 (1513)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



*Шаҳрихон туманидаги «RASH-MILK» масъулияти чекланган жамият бир кеча-кундузда 30 тонна сутни қайта ишлаб, ундан қуруқ сут, сариёғ, қаймоқ ва творог сингари тўрт турдан ортиқ сут ва сут маҳсулотларини тайёрламоқда. Мазкур ишлаб чиқариш тармоғи замонавий дастгоҳлар билан таъминланган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, таъми ва ташқи кўриниши, нархининг арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради.*

*Айни кунда корхонада 35 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хом ашёларнинг асосий қисми тумандаги фермер хўжаликлари ва аҳолидан келишилган нархларда харид қилинмоқда.*

**Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.**
**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**



***Ишқибозларнинг нигоҳи Наргизада. Гоҳ дарвозабон қаршисида, гоҳ майдон ўртасида пайдо бўлади. Мана, жамоадоши узатган тўпни оҳудек бир сакраш билан илиб олди. Аммо бошқаларга узатишга ошиқмаяпти. Негаки, дарвозага жуда яқин. Имкон бўлиши билан зарба беради. Бироқ ҳозир ҳужум пайти эмас. Сабаб рақиб дарвозаси қаттиқ қўриқланяпти, устига-устак ҳимоячилар Наргизани тинимсиз таъқиб этишмоқда.***

## БАЛЛИ, НАРГИЗА!

Наргиза рақибларини алаҳситиш учун ёнгинасидаги жамоадоши Гулбаҳорга дарвоза томонга ўт, дегандек имо қилди. Тўпни унга оширди, Гулбаҳор ҳам ўз навбатида Наргизага йўллади. Бу комбинацияни рақиблар пайқаб қолишди. Уларни «ҳалқага» олишди. Шу пайт дарвозабон хатога йўл қўйди. Ҳимоячиларга ниманидир уқтирмоқчи бўлиб бир муддат ярим қадам дарвозадан узоқлашди. Наргиза ва Гулбаҳорга худди шу керак эди. Гулбаҳор дарвозабоннинг ёнбошига ўтди. Ахир пайтни қўлдан бой бериш мағлубият, дегани. Шу сабаб Наргиза чаққонлик билан тўпни дугонасига узатди. Гулбаҳор, яна Наргиза! Атиги бир бир неча сония. Ҳужумчи тўпни илиб олиб, дарвоза бурчагига йўллади. Гол!!! Томошабинлар ҳайқириғи ва қарсакларидан майдон ларзага келди. Бош мураббий Мухторжон Ҳафизов қувонганидан ўрнидан сакраб туриб «Яшавор, Наргиза!» дея хитоб қилди. Бу олқишлар Наргизага бағишланганди.

Биз юқорида Наманган шаҳри тиббиёт касб-ҳунар коллежи талабалари билан Навоий вилояти гандболчи қизларининг беллашувидан бир лавҳа келтирдик. Қўл тўпи усталари Наргиза Асқарова, Гулбаҳор Шокирова, Нигора Ботироваларнинг вилоятдагина эмас, республикада ҳам ўз ўрни бор. Андижонда ўтаётган «Баркамол авлод-2003» спорт ўйинларига ушбу жамоанинг таклиф этилиши шундан. Айтганча, жамоа волейбол бўйича олий лига беллашувларида ҳам чемпион бўлган. Талабалар спортнинг каратэ, баскетбол, волейбол, енгил атлетика турларига ҳам қатнашадилар. Масалан, 1-курс талабаси Нозимахон Маллабоева каратэ бўйича республика чемпиони саналади.

– «Баркамол авлод-2003» мусобақалари бир умр ёдимда қолади, – дейди Нозимахон. – Андижонда бухоролик, тошкентлик каратэчи қизлар билан дўстлашдим. Меҳнат ва маҳорат эгизак эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Коллежни туғаллаб, Намангандаги олийгоҳнинг жисмоний тарбия куллиётига ўқишга кирмоқчиман. Мақсадим – халқаро турнирларда юртим шарафини ҳимоя қилиш.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

## ИЛК МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

«Баркамол авлод» республика спорт ўйинларининг Олимпия заҳиралари спорт коллежи атлетика майдонида ўтказилган мусобақаларда дастлабки медал соҳиблари аниқланди. Ядро улоқтириш бўйича қизлар ўртасида кечган беллашувда хоразмлик Регина Сорокина 10 метр 25 сантиметр натижа билан олтин медални қўлга киритди. Сурхондарёлик Валентина Путцкова (10 метр 07 сантиметр) иккинчи, самарқандлик Шаҳло Тожиева (10 метр 03 сантиметр) учинчи ўринни эгаллади.

Ўғил болалар ўртасидаги ядро улоқтириш беллашувида 12 метр 42 сантиметр натижага эришган Тошкент вилояти вакили Никита Терехов шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилди. Навоийлик Павел Бирюк ва бухоролик Иван Зиновьев иккинчи ва учинчи ўринга кўтарилди.

100 метрли масофага тўсиқлар оша югуришда қизлар баҳсида тошкентлик Анна Норматовага тенг келадигани топилмади. У 16,2 дақиқа натижа билан «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар фарғоналик Дилдора Баратова ҳамда самарқандлик Елена Ивановага насиб этди.

Уч ҳатлаб сакраш мусобақасида эса пойтахтлик Камолиддин Рўзимуҳамедов ғолиб бўлди. Фарғоналик Иля Анникович ва Самарқанд вилояти вакили Умид Хусайнов иккинчи ва учинчи ўринлар билан кифояланди.

## ТАЪТИЛГА 360 МИЛЛИОН

Тошкент вилоятида ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказишга қаратилган тайёргарлик ишлари тугатилди. Ўн олти оромгоҳ шай. Вилоят касаба уюшмалари кенгашидан олинган маълумотларга кўра, оромгоҳларнинг олтитаси санаторий типида, қолганлари спорт-соғломлаштириш йўналишида бўлиб, мавсумда уч смена ишлайди, салкам ўн тўрт минг ўқувчи ҳордиқ чиқаради. Шу билан бирга Оролбўйи болалари учун ўн тўртта энг яхши оромгоҳ тайёрлаб қўйилди.

- Оромгоҳда ўқувчилар 18 кун дам олади. Битта йўлланма нархи ўртача 58-60 минг сўмга тушмоқда,- дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Р.Турдалиев. - Ота-оналар эса унинг йигирма фоизини тўлайди, асосий қисми касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамда ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан қопланади. Айни пайтда вилоятдаги учта меҳрибонлик уйининг барча тарбияланувчилари, шунингдек, вилоят касаба уюшмаларига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари, кам таъминланган, кўп болали ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун етти юздан ортиқ йўлланма бепул берилмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари 29 мактаб ҳузурида ҳам ёзги соғломлаштириш оромгоҳи очмоқда. Шундай қилиб, мавсумда ҳаммаси бўлиб 44 ана шундай маскан ишлайди, уларда 19 минг 535 нафар ўқувчи дам олади. Вилоят касаба уюшмалари, ижтимоий суғурта жамғармаси ҳамда корхона ва ташкилотлар шу мақсадда 360 миллион сўм маблағ ажратди.

**(ЎзА)**

***Республика касаба уюшмаларининг дам олиш зоналари харитасида болаларнинг янги иккита дам олиш оромгоҳи пайдо бўлди.***

## ОРОМГОҲЛАР ТЎРТ СМЕНАДА ИШЛАЙДИ

«Қизилқумнодметолтин» концерни ўз имкониятларини ишга солиб, нодир металл қазиб олувчи кончиларнинг фарзандлари учун шаҳардан ташқарида «Қурувчи» болалар сиҳатгоҳини барпо этди. Бу ерда болалар бутун ёз давомида бир неча сменада 18 кундан мазмунли ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини ҳам тиклаб олишлари мумкин. Йўлланма баҳосининг асосий қисмини касаба уюшмаси тўлайди. Хоразм вилояти таълим бўлими эса Хонқа туманининг хушманзара масканида болалар дам олиш зонасини ташкил қилди.

Бу йил 580 га яқин ихтисослаштирилган болалар оромгоҳларида 240 минг нафар бола дам олади. Аксарият ҳолларда умумий соғломлаштириш, даволаш, жисмоний тарбияга ихтисослашган ҳамда мактаблар қошидаги ва бошқа оромгоҳлар тўрт сменада ишлайди.

Албатта, Орол бўйи минтақасидаги фарзандларимиз ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Энг яхши шароитларга эга бўлган оромгоҳлар Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятидан келган болаларни ўз қучоғига олади. Июн ойининг ўрталарида уларнинг илк гуруҳлари Тошкент атрофидаги дам олиш зоналарига ташриф буюради. Бу ерда экологик ноқулай минтақада истиқомат қилувчи кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларнинг 4 мингдан ортиқ фарзандлари ёзни мароқли ўтказади. Овқатланиш ва дам олиш харажатлари касаба уюшмалари ва ҳомийлар томонидан тўла қоплангандир.

Ёш ўзбекистонликларнинг бу йилги ёзги таътиллари ўзгача хусусиятга эга. Вилоят ҳокимликлари ёзги дам олишни мазмунли ташкил қилишга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида таъкидланганидек, ҳокимликларнинг тегишли хизматлари касаба уюшмалари бўлинмалари билан узвий алоқа ўрнатишлари муҳимдир. Чунки биргаликда барча муаммоларни осонлик билан ечиш мумкин. Шундагина ёз юз минглаб кичкинтойлар учун мароқли ўтади.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## «МУБОРАКНЕФТГАЗ» ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОВРИНДОРИ

Қашқадарё замини табиий фойдали қазилмаларга бойлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда қазиб олинадиган газнинг 88, нефтнинг 92 фоизи ана шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Чўл бағрида жойлашган «Муборакнефтгаз» унитар корхонасининг иқтисодий салоҳияти ошиб бормоқда. Хазина изловчиларнинг фидойи меҳнати туфайли Ўртабулоқ, Денгизкўл, Ҳоузак, Зеварда, Култоғ, Помиқ, Аланг, Қорақўм, Қандим, Сомонтепа, Шимолий ва Жанубий Муборак, Умид, Янги каби конлар ишга туширилди. Бундан ташқари, Шимолий Денгизкўл, Чандир, Шарқий Денгизкўл, Сардор, Пирназар, Жанубий Қамаши, Олот, Тегирмон, Узун, Шимолий Майманоқ сингари конларда 121 та бурғу қудуқлари қазилиб, нефт ва газни қайта ишлаш заводига етказиб берилаяпти.

Вилоятда йиллик қазиб олинаётган нефт, конденсат ва газ миқдори Олмония, Франция, Австрия, Греция, Испания, Чили, Япония, Боливия, Таиланд, Вьетнам, Покистон, Баҳрайн, Иордания, Исроил, Украина ва Болтиқбўйи мамлакатлари бўйича олинаётган маҳсулотлар миқдоридан ҳам ортиқ.

Ер ости ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга муборaклик газчилар қўшган ҳисса салмоқли. Шунинг учун ҳам уларнинг меҳнати жаҳон миқёсида тан олинди. Корхона жамоаси «Aquarius Artsmaker» халқаро марказининг мукофотига сазовор бўлди.

«Aquarius Artsmaker» компанияси 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, ўз дастурларини бутун дунё миқёсида амалга ошириб келмоқда. Марказ экспертлари саноат, фан, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхона ва муассасаларга хорижий ҳамкорлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишга яқиндан кўмаклашади. Компания ҳар йили ўнлаб мамлакатлардаги тузилмалар фаолиятини таҳлил қилиб, энг муносибларига Crystal Artsmaker мукофотини топширади.

Яқинда Мальта давлатида ушбу мукофотни топширишга бағишланган анжуман ўтказилди. Компания Президенти Питер Мамо «Муборакнефтгаз» унитар корхонаси директорининг ўринбосари Баҳодир Норқуловга нуфузли мукофотни топширар экан, Қашқадарёдаги бу йирик жамоа бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан шароитига муваффақиятли мослашаётганлигини алоҳида таъкидлади.

– Халқаро мукофот зиммамизга катта масъулият юклайди, - дейди биз билан суҳбатда корхона директори вазифасини бажарувчи Иван Келеш. – Мамлакатимизнинг ноёб бойликлари ҳисобланган нефт ва газ хом ашёсини кўпайтиришга ҳисса қўшаётганлигимиз билан фахрланамиз.

Айни кунларда биллур соврин билан тақдирланган газчилар юртимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, нефт-газ манбаларини қидириб топиш йўлида астойдил меҳнат қилишаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ислоҳот инсон учун*

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

### касаба уюшмалари фаолият мезони

***Истиқлолимизнинг кейинги тўрт йилида инсон манфаатлари йўлида тарихий воқеалар содир этилди, десак ҳеч муболаға бўлмас. Чунки бу йилларда соғлом авлод, оналар ва болалар, қариялар ва ниҳоят обод маҳалла давлат дастурлари қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатлар асносида жамиятимизнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами қўшимча имтиёз ва афзалликлардан баҳраманд бўлдилар. Бунда касаба уюшмаларининг ҳиссаси каттадир. Шу боис биз Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, тармоқ қўмиталари ва қуйи бўғинларининг ана шу жараёнлардаги иштироки хусусида тўхталишни лозим топдик.***

Касаба уюшма ташкилотлари давлатимиз ташаббуси ижросини таъминлаш, ҳар бир фуқаронинг меҳр-мурувватдан четда қолмаслигига эришиш йўлидан борди. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, юз минглаб фуқароларимиз қонуний имтиёзлардан ташқари инсонпарварлик мададидан баҳраманд бўлиб келяпти. Ўрни келганда бир мисол. Биргина Сирдарё вилоятида кўп фарзандли, ишловчи 15 минг нафар аёлнинг иш ҳафтаси меҳнат ҳаққи сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилган. 257 та корхонада фаолият кўрсатаётган 4973 нафар аёл ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб ҳақ тўланадиган таътилга кузатилди.

Соғлом авлод йили муносабати билан 1035 нафар аёл чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларни соғломлаштириш, беnуқсон фарзанд кўришлари учун 4686 минг сўм пул сарфланган. 413 нафар туғруқ ёшидаги аёл эса мамлакатимизнинг турли сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишди. 785 нафар ногирон фарзанд тарбиялаётган оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят ташкилотларини жалб этган ҳолда, қарийб 4,5 миллион сўмдан ошиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг уй шароити, саломатлиги мустаҳкамланди. Ўқиб-улғайиши таъминланди. 1369 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, меҳрибонлик уйлари, боғча, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари юртимизнинг гўзал гўшалари, тарихий қадамжолари билан танишиш имконига эга бўлди.

– Ҳар бир йил одамларга кўпроқ манфаат етказишга йўналтирилмоқда. Бу эса кишиларда эзгу хислатларни жўштиришга, меҳр-оқибатни кучайтиришга хизмат қилаяпти, – дейди Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Носирхон Акбаров. – Бу одамлар турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий муҳофазани кучайтиришга асос бўлаяпти.

Аёллар ва қарияларни қадрлаш йилларида ҳам касаба уюшмалари ташаббус, жонбозликни қўлга олдилар. Хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида касаба уюшма ташаббуси билан жойларда 18 та тренинг, 15 дан ортиқ ўқув семинари ўтказилди. Ишлаётган аёлларга имтиёзлар яратиш мақсадида жамоа шартномаларига алоҳида бандлар киритилди. Унинг ижроси ўлароқ 5877 нафар аёлнинг иш соатлари камайтирилди. Ижтимоий нафақа тўловларига ташкилот ва корхона даромадларидан қўшимча тўловлар киритилди. 12 ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар меҳнат таътилига қўшимча 3 иш кундан кам бўлмаган дам олиш кунлари билан таъминланди. 366 та корхонада 812 та оила фарзандларини овқатлантириш учун маблағлар ажратишга эришилди. Ёлғиз ва болали аёллар, ёшлар ишга жойлаштирилди.

Ўтган Қарияларни қадрлаш йили эса хайрли ишларнинг узвий давомийлигини ўзида акс эттирди. Ватан, эл-юрт равнақига ҳисса қўшган кексалар давлат ва жамият ардоғини яққол ҳис этдилар. Вилоятда 2090 нафар ёлғиз кексаларнинг уй-жойи таъмирланди. Ҳовли-боғлари тартибга келтирилди. 6066 нафар кексаларга пул, совғалар топширилди. Корхона ва ташкилотларда ишлаётган пенсионерларга устама ҳақ тўлаш жорий этилди. 173 нафар қария бепул йўлланмалар билан таъминланиб, сиҳат-саломатликлари мустаҳкамланди.

Янгиер шаҳрида 60 нафар якка-ёлғиз кишини ўз бағрига олган «Саховат» уйи ишга туширилди. Икки нафар кексанинг уйи таъмирланди. Жорий йил жамият пойдевори, кичик қўрғонимиз - маҳаллага қаратилган. Чунки эзгулик, одамийлик мактаби ана шу гўшадан илдиз ёяди. Шунинг учун йил бошиданоқ вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан маҳалла кунларини ўтказиш жорий этилди. Муддао одамлар нигоҳи, эътиборини маҳаллага қаратиш, унинг ободлигини таъминлашдир. Ширин шаҳри ва Сирдарё туманида бўлиб ўтган маҳалла байрамлари кўпчиликка манзур бўлди.

Юрт ободончилиги, ўлкамиз тароватини-файзини ошириш мақсадида касаба уюшма ташкилотлари 31 минг дона мевали ва манзарали дарахт ўтқазиб, парваришламоқда. «Обод маҳалла», «Ибрат бўларли, ҳавас қиларли ҳовли» кўрик-танловлари ўтказилиши анъанага айланди. Гулистон, Оқ олтин, Сирдарё туманларида ўндан ортиқ уруш ногиронларининг уйлари атрофи тартибга келтирилди. Шу йилнинг март ойида Меҳнатобод туманида яшовчи кам таъминланган хонадонларнинг 151 нафар ўқувчи фарзандига 2 миллион 650 минг сўмлик кийим-кечаклар олиб берилди.

Хуллас, Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотларида инсон манфаати устуворлигини таъминлаш, улар ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга интилиш фаолият мезонига айланган.

**Ш.НУРУЛЛАЕВ**

***Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан ўтадиган янги Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиясининг узунлиги 220 километрни ташкил қилади. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясидан ЎзА мухбирига берилган маълумотга кўра, ҳозир 25 километрлик темир йўл тортилган ва 35 километр масофада тупроқли замин ҳозирлаб қўйилган.***

## ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 январдаги «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорида учта -Тошгузар-Деҳқонобод, Бойсун-Қумқўрғон ва Деҳқонобод-Бойсун участкаларини босқичма-босқич фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Ушбу участкалардан иккитасининг қурилиши ҳукумат ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ҳисобидан молияланади, улар орасида барпо этилаётган учинчи участка қурилишига эса Японияннинг 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияси жалб қилинади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси Капитал қурилиш ва техник қайта жиҳозлаш дирекцияси катта инспектори Бахтиёр Ғиёсалиевнинг сўзларига кўра, ушбу янги темир йўл линиясининг қурилишига жами 111,5 миллиард сўм ажратилмоқда. Шундан фақат 20 фоизи бюджет ҳисобидан ажратилади. Бугунги кунгача 6 миллиард сўм ўзлаштирилди. Темир йўлни 2007 йилда ишга тушириш режалаштирилган.

Ушбу янги темир йўл юриш қийин бўлган тоғли жойлардан ўтиши, темир релсларни Ҳисор тоғ тизмаси тармоқларида эгри-бугри ҳолда ётқизишга тўғри келаётгани сабабли бу участкаларни қуришда қийинчилик туғдирмоқда. Қурилиш жараёнида катта ҳажмдаги портлатиш ишларини талаб этиляпти. Шу боис бош пудратчи «Ўзбектрансқурилиш» уюшмаси бўлинмалари ва уларнинг ҳамкори ҳисобланган «Ўзавтойўл» давлат концерни қўшимча тарзда қурувчилар, монтажчилар ва энергетиклар учун йўлни тозалаб берадиган тажрибали портлатувчи мутахассисларни жалб қилаётир.

Магистрал йўл бир-бирига қарама-қарши икки томондан қурилиб келинмоқда. Қурувчилар йўлни қуриш билан бир қаторда бу ерларда барча керакли инфратузилмаларни - алоқа объектлари, сув ва газ коммуникацияси, уй-жойларни ҳам барпо этади. Энергетиклар эса электр таъминоти тизимини монтаж қилади. Деҳқонобод ва Тошгузар станцияларида янги йўловчи бекатлари пайдо бўлади. Шунингдек, бу йўлларда 35 дан ортиқ кўприк, ўнлаб галереялар, ҳимояловчи ва бошқа муҳандислик иншоотлари қурилади. Қурилиш майдонларида катта миқдорда турли техника ишлаётгани, кўп сонли ишчилар меҳнат қилаётгани бежиз эмас.

- Янги темир йўл линияси муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга, — дейди Б.Ғиёсалиев. - Гап шундаки, ҳозир фойдаланишдаги Термизгача бўлган жанубий темир йўл йўналишининг қарийб 100 километри Туркманистон ҳудудидан ўтади ва ҳукуматимиз бунинг учун кўп миқдорда валюта маблағлари тўламоқда. Боз устига чегара постларида тўхтатишлар ва ҳужжатларни текширишлар йўловчиларга ташвиш туғдиряпти. Қурилаётган янги магистрал йўл ишга тушгач, ҳукуматимиз йилига 50 миллион долларга тенг маблағни тежаб қолади. Йўловчиларга ҳам қулай бўлади. Юк ва йўловчи ташиш поездлари қатнови республикамизнинг иккита жанубий вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатини оширади. Қўшни Тожикистонга ҳам йўл анча қисқаради. Келажакда Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонга транзит юк ва йўловчи ташиш учун катта имкониятлар очилади.

**(ЎзА)**

*Баркамол авлод — келажагимиз*

# ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ

## кўрик-танлов ғолиблари Англияга боришади



Китоб шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат фаолият бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. 1995 йилда ташкил этилган ушбу ўқув даргоҳида айни пайтда 220 нафардан ортиқ ўқувчи турли мутахассислик бўйича таълим олмоқда. Танлов асосида ишга қабул қилинган ўқитувчиларнинг 12 нафари халқ таълими аълочиси. Шунингдек, билимгоҳда Ўзбекистон халқ ўқитувчилари ҳамда «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиблари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Мактаб-интернат ёшлари турли фан олимпиадаларида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритишмоқда. Математика фани бўйича республика олимпиадаси ғолиби Умид Ражабов Америка Қўшма Штатларида ўтказилган 42-Халқаро математика олимпиадасининг бронза медал соҳиби бўлди ва Жаҳон дипломатия университетига имтиёзли ўқишга қабул қилинди.

Бундай ютуқлар билимгоҳда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилганини кўрсатади. Зеро ўқувчилар учун барча қулайликлар муҳайё. Замонавий спорт майдончаси, ётоқхона, ошхона, кутубхона ёшлар хизматида. Ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун фан тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқув масканида ўқитувчиларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ ёшлар хорижга бориб ўқиш имкониятини қўлга киритаётганликлари кишини қувонтиради.

Яқинда мактаб-интернат ўқувчилари «Томчи сувда ҳаёт жилваси» мавзуида экологик йўналишдаги республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгалладилар. Ушбу танлов ҳомийси ҳисобланган Англиянинг Ўзбекистондаги Британия кенгаши таъсис этган 2 та грант мазкур илм маскани ўқувчилари Шуҳрат Холов ҳамда Моҳигул Хўжамоваларга насиб этди. Улар ўзларининг ҳар томонлама пухта билим ва маҳоратга эга эканликларини намойиш қилдилар. Шу йилнинг 2-27 июн кунлари ўқиш учун Англияга йўл олишади.



- Мамлакатимизда ёшлар таълим ва тарбиясига жиддий эътибор билан қаралаётганлиги зукко, ҳар томонлама билимли ўқувчиларни кашф этмоқда, - дейди мактаб-интернат директори Нарзулло Холиқов. - Бундай ёшлар эса келажагимиз устунларидир.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**

**Суратларда: Кўрик-танлов ғолиблари Шуҳрат Холов ҳамда Моҳигул Хўжамовалар.**

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Эркакларнинг ишончидан кўра, аёлларнинг гумони кўпроқ тўғри бўлиб чиқади.

**КИПЛИНГ.**

Табиат аёлга шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.

**БОМАРШЕ.**

Эркак киши танлаган қайлиққа қараб, у одамнинг кимлиги, ўз қадр-қимматини биладими-йўқми, осонгина билса бўлади.

**ГЁТЕ.**

Агар қалбимиз соф бўлса, «аёл» сўзи биз учун улуғворликка лиммо-лимдир.

**СЕНАНКУР.**

Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин.

**ПИФАГОР.**

*Шоҳмот тождорлари*

***1858 йилнинг охирларида жаҳоннинг машҳур шоҳмотчилари – Морфи ва Андерсен шоҳмот тахтаси узра ўзаро куч синашиб турган бир пайтда бўлғуси биринчи жаҳон чемпиони, эндигина йигирма икки ёшга қадам қўйган Вильгельм Стейниц Венадаги чоғроққина «Қаклик» қаҳвахонасида тирикчилик учун дона сурарди.***

# СТЕЙНИЦ

Тўғри, катта оиланинг бошлиғи бўлган отаси уни Прагадан Венага шоҳмот ўйнаш учун жўнатмаган эди. У ўғлининг малакали инженер бўлишини хоҳларди. Шунинг учун ҳам кекса Стейниц ўғли бутунлай бошқа, қийинчиликларга тўла йўлни танлайди ва бунинг сабабчиси шоҳмот, ҳа, ўзи суйган ўйин – шоҳмот бўлади, деб сира ҳам ўйлаб кўрмаганди. Ким билади, дейсиз, акс ҳолда у ўғлига бу мафтункор ўйинни ўргатмаган бўлармиди. Дарҳақиқат, бу қадимий ақл-идрок ўйини шоҳмот ёш Вильгельмни бутунлай ўзига мафтун қилиб қўйди. У бўш вақт топди дегунча, шоҳмот тахтаси узра бош қотирар, ғойибона ўйнаш санъатини тўла эгаллаш учун изланарди. Қаҳвахонадаги кўпни кўрган тажрибали шоҳмотчилар Вильгельмнинг тахтага қарамай ўйнашини кўриб, унинг маҳоратига қойил қолишарди. Хуллас, аста-секин кучли шоҳмотчилар иштирокидаги турнирларда муваффақиятли қатнаша бошлаган Стейницни Венадаги олий шоҳмот жамияти ҳам тан олди: 1862 йилнинг ёзида у иккинчи Лондон халқаро турнирига йўл олди.

Илк нуфузли мусобақа иқтидорли ёш шоҳмотчи учун омадли келиб, турнирнинг олтинчи поғонасини эгаллади, Монгредиен устидан эришилган ажойиб ғалаба энг чиройли партия деб топилди. Лекин Стейниц бу натижадан қониқмади. Чунки у бундан-да каттароқ ғалабаларга эришишга қодир эканлигини ич-ичидан сезар, бунинг учун бутун ҳаётини шоҳмотга бағишлаши лозимлигини тушунар эди. Шундай ҳам бўлди. Истеъдод билан бирга мустаҳкам характер, кучли ирода, тиришқоқлик, ўз устида тинмай изланиш Стейницга буюк шоҳмотчи деган унвонни туҳфа этди. Дарвоқе, у «Шоҳмот руҳан ожиз одамлар учун чиқарилмаган. У кишининг бор вужудини бутунлигича талаб қилади» деган сўзларни такрорлашни хуш кўрарди.

1866, 1872 ва 1873 йиллар биринчи жаҳон чемпиони учун энг унутилмас саналар бўлди. Зеро, айни шу йиллари Андерсен ва Цукерторт каби шоҳмот юлдузлари устидан зафар қучди. Бу учрашувларнинг барчасида Стейницнинг асосий қуроли пухта ўйланган комбинациялар бўлди. Бинобарин, шоҳмотчи «ақл ўйини»да тасодифларга боғлиқ бўлмаган мантиқий қонуниятлар мавжуд, деган хулосага келганди.





1886 йилнинг 11 январи расмий жаҳон биринчиликлари даврини очиб берган саҳифа сифатида тарихга кирди. Америка Қўшма Штатларининг учта шаҳри – Нью-Йорк, Сент-Луис ва Янги Орлеанда ўтказилган И.Цукерторт билан В.Стейниц ўртасидаги баҳслар +10-5=5 ҳисобида веналик шоҳмотчи ғалабаси билан якунланди. Жаҳон ўзининг биринчи расмий чемпионига эга бўлди.

Орадан уч йил вақт ўтгач Гавана шоҳмот клуби рақибини Стейницнинг ўзи танлаши шарти билан жаҳон биринчилиги учун матч ташкил қилишни таклиф этди. Стейниц кўплаб талабгорлар ичидан халқаро турнирлардаги чиройли ўйинлари билан катта эътибор қозонган М.Чигоринни танлади. Кескин матчда чемпион ўз унвонини сақлаб қолди. Икки йилдан сўнг И.Гунсбергни мағлуб этди. 1892 йили Чигорин билан яна бир ажойиб матч ўйналди. Бунда ҳам Стейниц ғолиб чиқди. Фақатгина орадан икки йил ўтгач 58 ёшли шоҳмотчи чемпионлик тожини ёш рақиби Э.Ласкерга топширишга мажбур бўлди.

Шоҳмот тарихида ўзининг ажойиб ўйинлари билан шуҳрат қозонган, қолаверса, биринчи жаҳон чемпиони сифатида ардоқланадиган Вильгельм Стейниц 1900 йилнинг 12 августида Нью-Йорк шаҳрида оғир хасталикдан сўнг вафот этди.

**Ойбек ДАМИНОВ**
**тайёрлади**

**Маҳоратингизни синаб кўринг.** Иккала кўринишда ҳам оқлар бошлаб, рақибини 3 юришда мот қилади.

**Газетамизнинг 24-май 81(1506)-сонида берилган топшириқ жавоблари:**

**Чапдаги диаграмма учун** – 1.Фзd6 Шe8 2.Фз e5 Шd7(f7) 3.e8Фз X: Агар 1... Шg7 бўлса, 2. e8Фз 3.Фзdg6 X.

**Ўнгдаги диаграмма учун** – 1.Оа8 Шd6 2.Шd4 Шс6 3.Фзd5 X

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Ғаззолий дейдиларки:

– Иброҳим ибн Адҳам бир кишидан сўрадилар:

– Тушда кўрган дирҳам яхшими ёки ўнгингдаги динорми?

У бундоқ жавоб қилди:

– Ўнгимдаги динор яхшироқ.

– Ёлғон айтдинг, – дедилар Иброҳим ибн Адҳам, – чунки дунё асли уйқудир, охират эса бедорликдир, сенинг дунёдаги нарсага меҳринг зиёда экан.

*Келинг, бир кулишайлик*

## ТАЪБ ЎЗГАРДИ

Кўп йил учрашмаган оғайнилар суҳбатлашиб қолишди:

– Мен сенга айтсам, - деди бири иккинчисига, - анави Ўктам бор-ку, анча қариб қолибди.

– Йўғ-е, яқинда кўрувдим, отдек юрганди-ку.

– Сиртдан шундай. Аслида, анча ўзгарибди. Илгари емакхонага кирганда, аввал официантга, сўнгра таомномага қарарди. Ҳозир – тескариси...

## ОДДИЙ СИР

– Одам бахтли бўлиши учун кўп нарса керакми?

– Йўқ, унчалик эмас. Лекин шарти шуки, бошқаларда уникидан ҳам кам нарса бўлиши керак.

## ТАКАЛЛУФ

Қайнона ўтмишини эслаб, уф тортди.

– Ёшлигимда кўп тентак, содда ва таъвия бўлган эканман-да...

Куёв қайнонасига такаллуф қилади.

– Ойижон, кўнглингизни чўктирманг, ҳозир ҳам илгаригидексиз.

## БЕЛГИ

Агар машинада кетаётган бўлсангизу бир нарса қаттиқ тарақлаб кетса, тушинг-да аввал олдинги бамперни, кейин ортдагисини кўздан кечиринг. Пачоқ машина олдида бўлса, урди Худо, орқада бўлса, берди Худо деяверинг.

*Она табиат инъоми*

***Бу ўсимлик гули оқ, кизил, қорадан келган бинафшаранг ва бошқа рангда ҳам бўлади. У очилган пайтда кўзни қамаштиради. Барги кулчага ўхшаган юмалоқ бўлиб, катта-катта. Уруғи эркаклар пальтосининг тугмасига ўхшаган ғилоф ичида бўлиб, доира шаклида бамисоли қўл билан териб қўйилгандек, қорамтирдан келган. Тупроғида шўр йўқ, ҳавоси иссиқ ерларда бу ўсимликнинг бўйи тўрт метргача етади.***

# ГУЛХАЙРИ

Бу ўсимлик мижози совуққа мойилроқ.

Энди гулхайрининг шифобахшлик хислатларига келсак, барча турдаги шиш ва яраларни қуритиб, даволайди. Бадандаги чипқон ва ҳар хил яраларни пиширади ҳамда ёрилишини тезлаштиради, бегона моддалар ҳаракатини тўхтатади, бадaннинг бошқа жойларидан чиқиши, бўғим ва томирларга таъсир қилишига йўл қўймайди. Айни пайтда баданнинг қаттиқ жойларини юмшатиш ва мулойим бўлишга ёрдам беради.

Баргини ҳўлма-ҳўл янчиб, бошга боғланса, миядаги шишлар ва унинг пардасини, яъни илмий тиббиётда менингит деб аталадиган дардни даволайди. Шунингдек, қулоқ тубидаги яралар, кўзнинг шамоллаши ва киприкдаги ифлос моддаларни кетказишда ҳам яхши самара беради.

Гулхайрини майдалаб, яраларга боғланса, уларни тез пиширади, оғзини очиб, маддаси чиқиб кетиши ва оғриқлар йўқолиб, бемор ором олишига ёрдам беради. Юздаги ҳуснбузар, ярачақага, ичида зарарли маддаси бўлган ҳар хил ширинча ва чувиқларни даволашда ҳам туйиб боғланган гулхайри шифодир. Агар бирор аъзо синган бўлса, туйиб боғланган гулхайри синган суякларни бир-бирига улайди, радикулит ва иссиқдан бўлган бўғим касалликларни фориғ этади.

Баргини туйиб, ёққа қориб хамири кўкрак пардалари ичидаги шишлар устидан боғланса, бирмунча ором бахш этади ва шишларнинг барҳам топишига таъсир қилади. Барги аввал сувда қайнатилиб, обдон пиширилиб, кейин маска ёғ ёки сариёғ ёхуд мол ёғида хамир қилиб, иссиқ шишларга боғланса, уларни тезда пиширади ва ёрилиб, маддасини оқизишга ҳамда ҳаром гўштини чиқаришга ёрдам беради, ўрнига соғлом гўшт пайдо бўлиб, яра ўрни битиб кетади.

Ушбу ўсимликни сувда қайнатиб, шу сув билан бош ювилса, сочни ипакдек юмшоқ қилади. Агар шу сувни ванна ёки тоғорага солиб, яланғоч ҳолда ўтирилса, орқа йўл ва йўғон ичакдаги шишларни бартараф этади, бачадоннинг оғзи бекилиб, шу сабабдан туғмай юрган аёллар бўлса, ана шу муолажадан кейин бачадон оғзи очилиб, фарзанд кўриши мумкин.

Гулхайрининг қуритилган уруғи туйилиб, эланиб, иссиқ сув билан ичилса, буйракдаги тошнинг қай даражада бўлмасин майдалаб, тушириб юборади. Туйилган уруғи сувда ивитилса, шилимшиқ модда ҳосил бўлади, ана шу хом модда шакарга аралаштириб, илиқ ҳолда истеъмол қилинса, иссиқ йўтал ва қон қусиш иллатини бартараф этади. Туйилган гулхайри уруғи сирка билан қорилиб, қуёшда ўтириб, ўша хамир бадандаги оқ доғлар бор жойга боғланса, ўша доғлар йўқ бўлади, агар зайтун ёғи ва сирка билан хамир қилиб боғланса, заҳарли махлуқлар чаққан заҳарни бадандан даф қилади.

Гулхайри уруғидан бир ҳисса, хурмодан икки ҳисса олиб, иккаласи аралаштирилиб туйилса ва сирка билан хамир қилиб, турли шишларга боғланса, уларни тезда йўқотади. Гулхайри уруғи оғизга солиниб чайналса, чанқоқни босади. Гулхайри уруғи ва бодом елимидан баробар миқдорда олиб, сувда қайнатиб, қўл-оёқлар тез-тез ўша сувда ювиб турилса, қўл кафтининг ёрилиши ва пўст ташлаши олдини олишда қўл келади.

Ўсимлик томирининг пўсти ниҳоятда фойдали. 10,5 грамм томирни сувда қайнатиб, ўша сув ичилса, исҳолнинг олдини олади ва ичак қуриш (колит) дардига шифо бўлади, ичак шамоллашлари, ичак яраларига шифо бахш этиб, сафро йиғилишидан ҳосил бўладиган исҳолни, сўзак, ичак қизиши ва шишлари, шунингдек, ичнинг тўхтовсиз кетиши иллатларини даф қилади. Агар уруғини ҳам туйиб, истеъмол қилиб юрилса, юқорида айтилган хасталикларга шифо бўлади, бордию шароб билан бирга истеъмол қилинса, пешоб келишини қийинлаши ва тўхташини бартараф этади, буйрак ва ичаклардаги тошларни майдалаб тушириш, радикулит дардидан қутулишига ёрдам беради.

Уруғи ёки томирининг пўсти сувда қайнатилиб, ўша сувга сирка аралаштириб, ушбу аралашма билан оғиз чайилса, иссиқдан бўлган тиш оғриғини босади.

Томирини туйиб, латтага ўраб, сувга солган ҳолда кечаси очиқ ҳавода сақланса, қатиққа ўхшаб, қуюқлашади. У кўз мижжасидаги шишларга суртилса, кўзни равшан қилади. Уни ичилса, иссиқ йўтал ва қон қусишга шифо бўлади. Агар ўша қатиқсимон суюқлик сувда қайнатилиб, истеъмол қилинса ҳам юқоридагидек таъсири бўлади. Бордию сувда қайнатиб, ўша сувга тушиб ётилса ёки ўтирилса, қақшаган бўғимларни юмшатади, қотиб қолган аъзоларни аввалги ҳолига келтиради.

Бироқ гулхайрини истеъмол қилиш меъда учун бироз зарарли. Ана шу зарарнинг олдини олиш учун зирк суви, асал ва арпабодиён истеъмол қилиш тавсия этилади.

Гулхайрининг барги, томири, гули ва уруғидан бир марта истеъмол қилинадиган миқдори 4-5 г дан ошмаслиги керак. Бордию сувда қайнатилиб ўша сув ичиладиган бўлса, бир кунда 1 стакан ичиш тавсия қилинади.



## ЯНТОҚ ШАКАРИ

1586 йили Немис ихтирочиси, сайёҳ Раувольф биринчи бўлиб бу қандсимон моддага «манна» номини берган. Манна ёрдамида писта ва шу каби ширинликларнинг қанди кўпайтирилади. Шунинг учун ҳам манна шарқ мамлакатларида, айниқса Ҳиндистонда мазали егулик модда сифатида қадрланди.

Олимлар ана шу қандсимон моддага бой янтоқнинг қайси тўқимасида қанд борлигини, бу ширин модда қандай йўллар билан ҳосил бўлиши ва ажралиб чиқишини аниқлаш билан шуғулландилар. Улар янтоқнинг ер юзидаги қисмини муфассал ўрганиб, шундай хулосага келдилар. Янтоқнинг турли қисмида буриштирувчи моддалар ёки таниннлар, танасининг ҳамма ерида гелицеллюлоза, ер сиртида ўсадиган қисмида эса жуда кўп миқдорда крахмал бор экан.

Физиология ва биокимёвий текширишлар шуни кўрсатдики, ўсимликларда қандсимон модда ҳосил бўлишига, унинг ташқарига ажралиб чиқишига ҳароратнинг пасайиши ҳам сабаб бўлади.

**А.АЛИЕВ**
**тайёрлади.**

# «БИР ОЙНА ГЎШТ»

## ёхуд собиқ абитуриент эсдаликлари

*Ҳажвия*

Бундан 28 йил олдин бўлган ҳаётий ҳангомани бот-бот эслайман.

1975 йил. Мактабни тугатиб, ўқишни давом эттириш мақсадида дўстим Ҳайитбой билан сўнгги рейсда Тошкентга келиб тушдик. Навбатга туриб таксига ўтирдик. «Қишлоқда улғайиб, бошқа жойга чиқиб кўрмаган биз ўсмирларни шаҳри азимнинг турли хил шакл ясовчи тунги чироқлари, камалак рангда жилоланувчи фавворалари тамоман лол қолдирганди. Бир-биримизга гал бермай «анавуни қара! Вой-вўй, бу қават-қават уйларни биттасига бир қишлоқнинг одамини сиғдирса бўлар-ов», - дея сўзлаймиз ҳайратдан.

Биздай содда мижозларга йўлиққанига ўзида йўқ шод ҳайдовчи акамиз ярим соатлар чамаси шаҳарнинг гўзал жойларини «катайса» қилдириб, «қаёққа ҳайдай», - деб қолдилар. Биз ҳам бўш келмай Абдулла оғаникига ҳайданг, Низомий институтида кечки курсда ўқийди, Текстилда 40 қизга ёшулли дедик. Ҳайдовчи қайсидир чорраҳадан ўтгач, машинани тўхтатиб, ўв укалар, Тошкентда юзлаб Абдуллалар бор. Менга манзилни айтинг, манзилни деб қолдилар.

«Передильная» кўчаси 131-уй. Бу Абдулла оғамиз ижарага турадиган хонадон манзилгоҳи. Катта кўчанинг у бошидан бу бошига 3-4 бориб келсак-да, 129-133 уйлар бору биз излаётган 131 рақамли уй йўқ. Бир пайт 131 га кўзимиз тушди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу рақам икки табақали дарвозадаги эшикка қоқилган бўлиб, ўтиб кетиб юрганимизда эшик очиқ бўлганидан буни фаҳмламаганмиз ҳам. Соддаларнинг соддасига дуч келган «таксист» учун эса бу айни муддао эди. Пул ҳисоблагич «чирқ-чирқ» қилавериб чақалар сўмларни 21 сўм 36 тийинга чиқариб қўйибди.

Ана холос. Ўша пайтда «Урганч-Тошкент» рейсининг авиачиптаси 19 сўм 50 тийин эди. Кейинчалик билсам тайёрагоҳдан бу жойгача 4 бекатлик масофа бўлиб, педагогика олийгоҳининг рўпарасидаги кўча экан.

Шундай қилиб 9 нафар абитуриент имтиҳонларга «пухта» тайёрлана бошладик. Уччала «дед» талаба эса ҳовли болохонасида «шоҳона» яшашарди. Ўрта Осиё педиатрия олийгоҳига ҳужжат топшириб, иккаламиз ҳам кимё, физика ва биология фанларидан бўлган оғзаки имтиҳондан ўтиб олдик. Олдинда тил ва адабиётдан ёзма синов турарди. «Бир ойна гўшт» ҳангомаси ана шундан кейин бошланди.

«Энди иккалангиз ҳам «студент» ҳисоби, сизлар кирмоқчи бўлган институтга бола етишмайди. Янги очилган. Буни ювиш керак, бугун бир паловга харажат қилиб келинглар», - деб қолди дипломни нақд қилиш арафасида юрган Отаназар оға. Ҳайитбой билан тўр халталарни олиб «Бешёғоч» бозорига жўнадик. Ҳамма масаллиқлар харид қилиниб, фақат бир шиша ёғ олиш қолди. Пештоқига «Гастроном» деб ёзилган дўконга кириб навбатга турдим. Гал менга келганда қарасам касса аппарати олдида рус аёли ўтирибди. Чиқиб келиб Ҳайитбойдан бир шиша ёғни русча таржимасини сўрадим. Ана шу жойда ўн йил рус тилини «аъло»га ўқиганимизни намойиш қилиш вақти келганди.

Йўлнинг нариги бетида «Гўшт-мясо» деган ёзувли дўкончага кўзимиз тушди. Бу жойда ҳам гўшт, ҳам ёғ сотиларкан дедим. Энди биз учун шиша сўзининг таржимаси қолганди. Буни Ҳайитбой топди. Қишлоғимизда почтальон бўлиб ишловчи акаси тарқатадиган жўнатмалар(посилка)га «осторожно, стекло» деб белги қўйиларкан. Демак шиша бу — стекло. Бу ёғи осон кечди. Дарҳол гап ясадик. «Одна стекло мясо». Бизнингча бу бир шиша ёғ дегани.

Яна навбатга туриб, бир сўм узатдим.

— Вам чево?

— Одна стекло мясо

Малласоч аёл иккинчи бор сўраганда ҳам шу жавобни эшитиб елка қисиб қўйди-да, навбатда турган бошқа харидор билан алланарсаларни чуғурлаша кетди.

Шунга қарамай биз ўзимизча ҳақ эдик. Яна навбатга турдим... Қўл чўзиб кўрсатгандан кейин кула-кула бир шиша ёғ олиб беришди. Қайтимини ҳам олмай дўкондан чиқдик.

Ош ҳам пишди. Овқатланиб ўтирганда, бир чопонни биздан олдинроқ тўздирган талабалардан таржимамиз «бир ойна гўшт» эканлигини билдик.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 1 2 3 4 5 6